ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОҒИШТИРМА ЛИНГВИСТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

С. Раҳимов

Мақолада Ўзбекистонда чоғиштирма тилшунослик тамал тоши қўйилиши ва унинг ривожланиш босқичлари ёритилган.

***Калит сўзлар**: чоғиштирма тилшунослик, лингвистик типология, қиёсий-тарихий тилшунослик.*

В статье освещены процесс становления сравнительного языкознания в Узбекистане и этапы его развития.

***Ключевые слова**: сравнительное языкознание, лингвистическая типология, сравнительно-историческое языкознание.*

The article is devoted to the foundation of comparative linguistics in Uzbekistan and its stages of development.

***Key words**: Comparative linguistics, linguistic typology, comparative historical linguistics.*

Ҳозирги замон тилшунослигида лингвистлар истеъмолга олиб кирган қиёсий, чоғиштирма, таққослаш (рус тилида: сопоставительное языкознание, сравнительное языкознание, сравнительно-историческое языкознание) [1], лингвистик типология, контрастив лингвистика (Eng. Comaparative typology, contrastive linguistics) каби атамалар қиёсий ёки чоғиштирма тилшунослик муаммоларини илмий таҳлилдан ўтказиш учун ишлатилади. Аслида бу йўналишларнинг ҳар бири назарий тилшуносликнинг мустақил бўлимлари сифатида дунё тилшуносларининг эътиборини тортиб келмоқда. Ўзбекистонда чоғиштирма тилшуносликнинг тамал тошини Е.Д.Поливанов қўйган. Унинг “Русская грамматика в сопоставлении с узбекском языком” асари кейинчалик кўпгина турли морфологик структурага эга бўлган тилларни чоғиштиришда классик намуна бўлиб хизмат қилган. Хорижий тилларни ўзбек тили субсистемалари билан чоғиштиришни профессорлар Ж.Бўронов, Ў.Юсупов, А.Абдуазизов, М.Абдуразақов, С.Раҳимовлар бошлаб беришган. Ҳозирги кунга келиб чоғиштирма тилшуносликнинг турли аспектлари мустақил йўналишга айланиб, ўз

мақсад ва вазифаларига, ўрнига, аҳамиятига эга бўлди. Жумладан, чоғиштирма лингвистиканинг алоҳида йўналиши ҳисобланмиш лингвистик типология унинг бошқа аспектларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланишини тилшунослар алоҳида таъкидламоқдалар.

Биринчидан, типологияни хоҳлаган тилларни чоғиштиришга асосланган компаративистиканинг бир бўлими сифатида изоҳлаш; иккинчидан, лингвистик типологияни тилни структур таҳлил қилишнинг бошқа турларидан ажратиб олиш (жумладан, лингвистик характерология, лингвистик универсалия, контрастив лингвистикадан).

Лингвистик типология тил манбаларини таҳлил қилишнинг илғор йўналиши сифатида охир оқибат ўзининг мақсадига тўла мос келиши, яъни чоғиштирилаётган тиллардаги изоморф ва алломорф хусусиятларни аниқлаши керак. Чоғиштирма тилшунослик муаммоларининг ҳалқаро лингвистик конгресслар кун тартибига қўйилиши – 1972 йили Болоньяда, 1977 йили Венада, 1980 йилда Халқаро анжуманларга олиб чиқилиши чоғиштирма лингвистика масалаларининг ҳал қилинишига, тил моҳиятининг энг ичкариларига киришга, коммуникатив жараёнлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилаётган тил унсурларининг ботиний мазмунини очишга хизмат қилади. Чоғиштирма метод тилшуносликдан ташқари яна адабиётшунослик, тарих, фалсафа, социология каби фанларда кенг ишлатилади. Чоғиштирма лингвистика ривожига салмоқли ҳисса қўшган асар 1660 йилда Париж яқинидаги Пор-Рояль монастирида Лансло ва Арно томонидан ёзилган “Пор-рояль” ёки “Умумий универсал грамматика” бўлган [2].

Чоғиштирма лингвистика ривожига қиёсий-тарихий тилшунослик катта таъсир кўрсатган. Қиёсий-тарихий тилшунослик чоғиштирма лингвистика билан чамбарчас боғлиқ, чунки у тиллар системасини қиёлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосий текшириш объекти тилларни чоғиштириш бўлган. Ҳинд-европа ва туркий тилларни қиёслашга Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” (1499) асари классик намуна бўлиб хизмат қилади. Навоийнинг бу асарида илк бор келиб чиқиши жиҳатидан бир-бири билан боғланмаган ва қариндош бўлмаган тиллар – эски ўзбек ва форс тиллари лексик, грамматик ва сўз ясаш аспектлари нуқтаи назаридан қиёсланган. Муаллиф бу асарида ўзбек тилининг ўзига хос ва форс тилида бир хил ярус бирлиги бўлолмайдиган хусусиятларини очиб берган. Чоғиштирма лингвистиканинг шаклланишига Маҳмуд аз-Замаҳшарий араб ва форс тилларини қиёслаш билан, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарлари билан салмоқли ҳисса қўшишган. Айниқса, Маҳмуд Кошғарийнинг қариндош тилларни чоғиштиришга бағишланган асари қиёсий лингвистиканинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатган ва ҳануз чоғиштирма лингвистиканинг классик намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда тилшунослар типология билан қиёсий лингвистикани бир-биридан фарқлаш ҳақида фикр билдирмоқдалар. Б.А.Успенскийнинг таъкидлашича, типология чегарасиз, тирик ва ўлик тилларни таҳлил қилиш билан шуғулланса, чоғиштирма тилшунослик олдиндан чегараланган тилларни чоғиштириш билан шуғулланади. Шунинг учун тилшуносликнинг бу соҳасини бошқача аташ керакмикан (масалан, “характерология”) деб фикр билдирган. Умуман, қиёсий лингвистика ва типологиянинг шаклланишида бир қатор омиллар роль ўйнаган.

Улардан биринчиси – бир тилнинг таҳлили учун фойдаланилган метод ва моделлардан бошқа тил тизимини текширишда фойдаланиш. Масалан, лотин тилининг биринчи грамматикалари қадимги грек грамматикалари модели асосида тузилган. Биринчилардан бўлиб лотин тили грамматикасини тузган М.Варрон “De lingua latina” китобида қадимги грек грамматикаси тизимини қўллаган ва уни ривожлантириб, лотин тилида артикль, грек тилидаги бешта ўрнига олтита келишик, саккизта ўрнига еттита сўз туркумини ажратган. Кейинчалик кўпчилик европа ва бошқа тилларнинг грамматикалари лотин, грек грамматикалари асосида тузилган, жумладан, биринчи инглиз грамматикалари ҳам. Классик грамматикаларнинг бевосита таъсири остида Аббат Элфрикнинг “Glossary”, С.Жонсоннинг “Грамматика маълумотномаси”, Ж.Присли, Р.Лоус ва Ж.Кемпбелларнинг “Инглиз тили грамматикаси” пайдо бўлган. Тибет ва тамил тиллари грамматикаси Панининг ҳинд грамматикаси асосига қурилган.

Иккинчи омил аниқ тилларни қиёслаш ва чоғиштиришдан бошланган.

Учинчи омил кам ўрганилган ва ёзуви йўқ тилларни чоғиштириш жараёни билан боғлиқ.

Тўртинчи омил таржима ва таржимашунослик фанининг таъсирида бўлган.

Чоғиштирма лингвистиканинг ҳозирги кунда кўпчилик олимлар эътироф этган қуйидаги назарий асослари мавжуд: биринчиси – тиллар системасининг яқинлиги; иккинчиси – генетик жиҳатдан яқинлик; учинчиси – миқдор жиҳатдан қиёсланаётган тилларнинг чегараланганлиги ёки чегараланмаганлиги; тўртинчиси – ҳудудий жиҳатдан қиёсланаётган тиллар тизимининг чегараланиши;

бешинчиси - қиёслашда контенсив методдан фойдаланиш.

XIX асрда ўзининг ривожланиш чўққисига етган қиёсий-тарихий тилшунослик бир неча асрлар маҳсулидир. Герман ва бошқа тиллардаги шаклий ўхшашликлар ва товушларнинг мос келиши Я.Гримм томонидан асос тилнинг яратилиши, Ф.Бопп томонидан чоғиштирма лингвистика тамал тошининг қўйилишига асосий манба бўлиб хизмат қилган. Компаративистика ёки қиёсий-тарихий тилшунослик тилнинг аниқ бирликларини (товуш, аффикслар ва сўз) таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қиёсий-тарихий тилшунослик XIX асрнинг яккаю ягона илмий таҳлил методи ҳисобланган. Ушбу методларнинг асосчилари Ф.Бопп, Р.Раск, Я.Гримм, А.Х.Востоковлар бўлса, А.Потт, А.Шлейхер, К.Бругманн, Б.Дельбрюк, Ф.Дицлар бу соҳада жуда кўп хизмат қилган олимлардир. Рус олимларидан Ф.И.Буслаев, И.И. Срезневский, А.А.Потебня, Бодуэн де Куртенэ, А.А.Шахматов, В.А.Богородицкий, Н.В.Крушевский ва Ф.Ф.Фортунатовлар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиларидан ҳисобланадилар.

Чоғиштирма лингвистика назарий тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида сон жиҳатдан чегараланган тилларни қиёслайди. Чоғиштирма тилшунослик маъно планининг умумий танланган бирлиги ёрдамида тиллараро инвариантларни аниқлаш билан шуғулланади. Қиёсий, чоғиштирма тилшунослик бўйича анчагина илмий ишлар қилинган бўлишига қарамай, асосий таҳлил методлари ва умумий тамойиллари ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Тилларни қиёслаш бутун тизимни ёки тизимнинг бир бўлагини чоғиштириш орқали амалга оша бошлаган. Қиёсий метод морфологик структураси турлича бўлган генетик жиҳатдан боғланган тилларнинг ўхшаш томонларини аниқлайди. Тилларнинг сон жиҳатдан чегараланганлиги боис қиёсий тилшунослик лингвистик универсалияларни ўрната олмайди.

Чоғиштирма лингвистика билан бир қаторда контрастив лингвистика атамаси ҳам ишлатилади. Контрастив тилшунослик қиёсий-тарихий тилшуносликка қарши пайдо бўлган ва чоғиштирма тилшуносликка синоним бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда контрастив лингвистика бўйича лойиҳалар тузилган. Масалан, улардан бири “Югослав (Серб-хорват) ва инглиз тили” лойиҳаси америкалик олимлар билан ҳамкорликда яратилган.

Контрастив лингвистика марказларидан яна бири Штутгард институтида ташкил этилган. Кейинги пайтларда бу соҳада поляк олимлари томонидан кўп ишлар амалга оширилган. Инглиз ва поляк тилларини чоғиштиришга бағишланган 5 жилдлик мақолалар тўплами чоп этилган. Мазкур лойиҳаларда контрастив лингвистика мустақил қиёсий ёки чоғиштирма фан сифатида эътироф этилган. Контрастив лингвистика лингвистик типологияга қарама-қарши қўйилади. Қиёсий типология эса лингвистик типологиянинг бир бўлими бўлиб қолади. Контрастив лингвистика икки тилдаги бир ярусга тегишли тил унсурларини ўрганса, қиёсий типология учун яруслараро тил системаларини қиёслаш кўпроқ характерли ҳисобланади.

Айрим олимларнинг фикрича, контрастив лингвистиканинг асосий камчилиги таҳлил методларининг барқарор эмаслигидадир. Контрастив лингвистикага бағишланган тадқиқотларда қиёлашнинг турли-туман омиллари учрайди.

Ҳинд-европа тилшунослигида чоғиштирма лингвистиканинг шаклланиши уч босқичда амалга ошган.

Биринчи босқич. Ф.Бопп, Р.Раск, А.Востоков каби олимларнинг илмий ишларида қиёсий-тарихий тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида чоғиштирма тилшунослик шаклланган. Бу даврда тилшунослар қариндош тилларни чоғиштириш билан шуғулланган.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг иккинчи босқичи XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб А.Пот, Г.Курсиус, А.Кун ва А.Шлейхар илмий ишлари билан характерланади. Бу даврда тилшунослар қадимги тилларни қайта тиклаш билан банд бўлишган.

Учинчи босқич младограмматизм йўналишининг ривожи билан бошқа даврлардан ажралиб туради ва XIX асрнинг 70-йиллари – XX асрнинг 10-йиллари оралиғини қамраб олади. Младограмматизм А.Лескин, Г.Остгоф, К.Бругман, Б.Дельбрюк каби олимлар билан машҳур ва бу давр қиёсий-тарихий тилшуносликнинг тўла-тўкис шаклланган билан аҳамиятли ҳисобланади.

Хўш, ҳинд-европа тилшунослиги тарихида чоғиштирма лингвистиканинг ривожланиши уч босқичдан иборат бўлса, унда Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қай тарзда шаклланган деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистонда ҳам чоғиштирма лингвистиканинг шаклланиши уч босқичдан иборат. Биринчи босқич ёки илк даври Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий асарлари билан белгиланиб, бу даврда Мовароуннаҳрда чоғиштирма лингвистиканинг тамал тоши қўйилади.

Иккинчи даври Ўзбекистонда хорижий тилларнинг кенг кўламда ўқитилиши ва хорижий тил билан ўзбек тили грамматик субкатегорияларини қиёслашга асосланган бўлиб, у XX асрнинг

60-йилларидан XXI асрнинг биринчи ўн йиллигигача қамраб олади.

Учинчи даври эса XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошланди ва ҳозирда давом этмоқда. Иккинчи давр, асосан, лингвистик категорияларни субсистема (subsystem) усулида чоғиштирган бўлса, учинчи давр "хоулсистем" (wholesystem) усулида тилни тизим сифатида чоғиштиришга ўтган.

Мустақиллик йилларида Республикамизнинг икки етакчи олийгоҳи – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида роман-герман филологияси бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган илмий кенгашлар фаолият кўрсатиб, уларда юртимизнинг кўзга кўринган олимлари Ғайбулла ас-Салом, Ж.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, Ш.Сафаров, А.А.Абдуазизов, М.Э.Умархўжаев, А.Э.Маматов, С.Раҳимов, Э.Бегматов, А.М.Бушуй, Х.Орзиқулов, Г.Х.Боқиева, Д.У.Ашурова, М.И.Расуловалар фаол иштирок этишган. Зикр этилган илмий кенгашларнинг барча мажлисларида чоғиштирма лингвистиканинг долзарб муаммолари муҳокама этилган. Жумладан, Г.Х.Боқиеванинг инглиз, рус, ўзбек тилларининг грамматик категорияларини қиёслаш, Д.У.Ашурованинг морфемаларнинг матн ҳосил қилиши, М.И.Расулованинг лингвистикада лексик сатҳнинг ёритилиши, Ғ.М.Ҳошимовнинг гипотаксис ҳодисасига бағишланган докторлик диссертациялари мустақиллик йилларининг маҳсули ҳисобланади. Биз бу ерда фақат глобал муаммоларни тадқиқ этган муаллифлар хақида тўхталдик, холос. Чоғиштирма лингвистика масалаларига бағишланган номзодлик диссертациялари талайгина ва бу ҳақда алоҳида махсус тўхталиш талаб этилади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ профессор Ж.Бўронов ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ташкил этилган ихтисослашган илмий кенгашда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг 90 фоизи чоғиштирма лингвистиканинг ечимини кутаётган муаммоларига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Профессор Ж.Бўроновнинг инглиз ва турк тилларининг лингвистик категорияларини чоғиштиришга бағишланган монографияси [3], А.А.Абдуазизовнинг инглиз ва ўзбек тиллари фонетик ва фонологик хусусиятлари ёритилган илмий ишлари, Ў.Қ.Юсуповнинг чоғиштирма лингвистикани бошқа йўналишлардан фарқлаб берувчи рисоласи, С.Раҳимовнинг чоғиштирма тилшуносликнинг глобал муаммоларига бағишланган монографияси мамлакатимиз тилшунослигида XX аср охири – XXI аср бошларида чоғиштирма лингвистиканинг тамал тоши қўйилишига асос бўлган десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, Ш.Сафаровнинг "Семантика" номли монографиясида ҳам чоғиштирма лингвистиканинг айрим тамойиллари хусусида фикрлар билдирилган.

Ҳозирги кундаги масалалардан энг долзарблари кейинги йилларда республика олий ўқув юртларида ўқитилаётган хитой, корейс, япон тилларининг субсистемаларини туркий тиллар билан чоғиштиришдир. Бу масаланинг ҳал қилиниши натижасида чоғиштирма лингвистика ва унинг асосий тамойили – чоғиштирма метод хорижий тил билан миллий тилимиз ўртасидаги интерференция ҳодисасини бартараф қилса ажаб эмас.

Адабиётлар:

1. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекском языком.- Т.: Госиздат, 1934.- 182 с.

2. Успенский Б.А. Структурная типология языков.- М.: Наука, 1965.- 286 с.

3. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков.- М.: Высшая школа, 1983.- 268 с.

Андижон давлат университети
2016 йил 12 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. В.Воситов)